

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Давлат органлари ОАВ сўровига 7 кун ичида жавоб беришлари керак

18.04.2018 йилдаги ЎРҚ-476-сон Қонун билан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари белгиланди, хусусан, булар:

- солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш;

- давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари тизими орқали молиявий қўллаб-қувватлаш;

- моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- таҳририятлар ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- ОАВни қўллаб-қувватлаш жамғармалари фаолиятини ташкил этиш;

- таҳририятлар ходимларини тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга қўмклашиш.

Иккинчидан, ОАВ сўровини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига юбориш тартиби жорий этилди. Давлат органларига мансбдор шахсларнинг интервьюсини олиш, шунингдек уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун мурожаат этиш



огааки, ёзма ёки электрон шаклда бўлиши мумкин. Сўров 7 кун муддатда қўриб чиқилади. Рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда асослан-тирилган жавоб юборилади.

Учинчидан, веб-сайт ва даврий босма нашрнинг (газеталар, журналлар, ахборотномалар ва бошқалар) электрон версияси каби ОАВнинг бундай турлари мазмунига қўйиладиган талаблар регламента солинди. Бу ахборот ресурсларида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- даврий нашрнинг номи;
- давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва ғувоҳнома рақами;
- муассиснинг номи (ФИО);
- бош муҳаррирнинг ФИО;
- индекс, таҳририятнинг жойлашган ери (почта ва электрон манзили).

Тўртинчидан, ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида ариза берувчини хабардор қилиш муддати қисқартирилди. Агар илгари қарор чиқарилгандан кейин 10 кунда берилган бўлса, эндиликда буни 1 кун ичида амалга ошириш зарур.

Бешинчидан, журналист ОАВда ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлик учун жавобгар бўлмайдиган ҳоллар аниқлаштирилди. Бу қуйидаги маълумотларга тааллуқли:

- агар бу маълумотлар расмий хабарлардан, НХҚдан ёки расмий статистика ҳисоботлари маълумотларидан олинган бўлса;

- ахборот агентликлари ёки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизматлари орқали, шунингдек уларнинг расмий веб-сайтларидан олинган бўлса;

- агар бу маълумотлар олдиндан ёзиб олинмасдан эфирга бериладиган муаллифлик чиқишларида мавжуд бўлса ёки чиқишларнинг сўзма-сўз такрорланиши (стенография, аудио-, видеоёзуви) бўлса.

Олтинчидан, журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбурияти қонуний асосда мустаҳкамланди. Улар журналистнинг шахсига ва ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида унинг ҳуқ-атворида қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Одоб-ахлоқ қоидалари журналистларнинг ва ОАВнинг бирлашмалари томонидан белгиланади.

Ленара Хикматова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

2-бетда

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси – 17 ёшда

Сертификатланган бухгалтер бўлган яхши

Бир йирик компания раҳбарининг бухгалтерлар – корхона ходимларининг энг яхши интеллектуал намоёндалари деган сўзларини қандай қабул қилардингиз? Қачонлардир бу гапга шубҳа билан қараган бўлардим, бугун эса тўлиқ қўшиламан. Унинг ўзи ишини шу касбдан бошлаган, шу сабабли исталган корхона олиб, ходимларининг билимларини текшириб кўрсангиз, улар орасида бухгалтерия анча ўзиб кетишига ишончи комил. Чунки бухгалтерлар катта ҳажми маълумотлар билан ишлайдилар. Бунда хато қилишга ҳақлари йўқ, уларнинг ҳатolikлари салмоқли жарималар солиниши ва бошқа молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Бунинг устига, қонун ҳужжатларига мунтазам ўзгартиришлар киритилмоқда, бухгалтерия дастурлари узлуксиз такомиллаштирилмоқда – шу сабабли бухгалтерларнинг доим ва кўп ўқиб-ўрганишларига тўғри келади. Бу бухгалтер ақлини чархлашида ёрдам беради, – деб ҳисоблайди яқинда бухгалтерларни сертификатлаш миллий дастури бўйича «Сертификатланган амалиётчи бухгалтер» Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси сертификати соҳибасига айланган «Polifleks» компанияси бош бухгалтери Регина Амирова. У янги профессионал даражага муваффақият билан эришишида ёрдам берган «Sultanova Ta'lim» ўқув марказининг ихтисослаштирилган курсларидаги машғулотлардан олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

– Касбда ўз ўрнини топган кишига қўшимча таълим олиш қанчалик зарур?

– Четдан қарагандагина бухгалтерлар кун сайин, йил сайин балансни ҳисоблаш, дебет-кредитни тўғрилаш билан машғулдек кўринади. Ўтган асрда белгиланган бухгалтерия ҳисоби нормалари асосида ишлаётгандек туюлади. Дарҳақиқат, ушбу норма ва қоидалар тубдан ўзгармади. Бироқ сўнгги йилларда қонунчилик, аввало солиқ қонунчилигига катта ўзгартиришлар киритилди. Янгиликларни диққат билан кузатиш лозим, чунки бухгалтерларнинг иш самарадорлиги кўп жиҳатдан шунга боглиқ. Биз, бухгалтерлар, ҳатто истамасак ҳам, мунта-



зам ўқиб-ўрганиш, малака ошириш: махсус нашрларни ўқиш, тренингларга бориш ва семинарларда қатнашишга мажбурмиз. Уларсиз бухгалтерия соҳасидаги барча янгиликлардан бохабар бўлишнинг имкони йўқ.

4-бетда

5-7-БЕТЛАР

Электр энергиясидан фойдаланиш: қандай қилиб қоидабузарликка йўл қўймаслик мумкин?

8-БЕТ

Ҳар бир ўзбекистонликка – ID-карталар

Ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида жарималар 10 ва ундан кўп марта оширилди

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини (МЖТКнинг 70-моддаси) бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилди.

Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчилик билан иморатлар қуриш; фойдали қазилма конларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш; ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш; ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик; ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастантириш, худди шунингдек ерга эгаллик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши:

➤ фуқароларга – 1 дан 20 ЭКИХгача (илгари – 1 дан 2 ЭКИХгача бўлган);

➤ мансабдор шахсларга – 30 дан 50 ЭКИХгача (илгари 3 дан 5 ЭКИХгача бўлган) жарима солишга сабаб бўлади.

Конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш,

минерал хом ашёни қазиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузганлик учун мансабдор шахсларга – 10 дан 30 ЭКИХгача жарима солинади (илгари 1 дан 3 ЭКИХгача бўлган).

Маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотиш; тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва буртилган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек консервация вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва буртилган қудуқларни муҳофаза этиш талабларини бажармаганлик мансабдор шахсларга – 10 дан 30 ЭКИХгача жаримага тортилади (илгари 1 дан 3 ЭКИХгача бўлган).

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўллангандан кейин бир йил давомида такрор содир этиш:

➤ фуқароларга – 20 дан 50 ЭКИХгача (илгари 1 дан 3 ЭКИХгача бўлган);

➤ мансабдор шахсларга – 50 дан 100 ЭКИХгача (илгари 3 дан 7 ЭКИХгача бўлган).

Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жо-

рий этилди (МЖТКнинг 70-1-моддаси). Бунинг учун фуқароларга 30 дан 50 ЭКИХгача, мансабдор шахсларга эса 50 дан 100 ЭКИХгача жарима солинади. Ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш ҳуқуқбузарлигини содир этиш қуроли бўлган ашёни (махсус техника ва ускуналар: лебёдка, экскаваторлар, бульдозерлар ва ҳ.к.) ёки унинг бевосита ашёсини мусодара қилиб фуқароларга 50 дан 70 ЭКИХгача, мансабдор шахсларга эса 100 дан 150 ЭКИХгача жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмур тоифадаги ишларнинг судга тааллуқлилиги содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига боғлиқ. Биринчи марта содир этилган ҳуқуқбузарликлар (МЖТКнинг 70-1-моддаси 1-қисми) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ваколатига, такрор содир этилганлари эса (МЖТКнинг 70-1-моддаси 2-қисми) маъмурий судлар ваколатига киритилди.

Бунда ҳуқуқбузарларни маъмурий ушлаб туриш ички ишлар органлари ходимлари ва Экология давлат қўмитаси органлари мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Ушлаб туриш сабаблари бартараф этилгунга ва иш кўриб чиқилгунга қадар транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш ҳуқуқи фақат Экология давлат қўмитаси органлари мансабдор шахсларига тегишли.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 19.04.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Меҳнат талафотсиз бўлиши учун

Корхонамиз бизнесини кенгайтириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича янги йўналишлар (меҳнат муҳофазасини аудитдан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисни жалб этиш) бўлимини очмоқчимиз. Бунинг учун қандай ҳужжатларни тўплашимиз керак?

А.Умаров, мувофиқлаштирувчи.

– Меҳнатни муҳофаза қилиш (ММҚ) соҳасида профессионал хизмат кўрсатиш ҳуқуқига тегишли гувоҳномага эга бўлган ММҚ соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари (кейинги ўринларда – профессионал иштирокчилар) эга бўладилар.

Профессионал иштирокчилар корхона ва ташкилотларда ММҚ соҳасидаги хизмат вазифасини амалга оширадилар. Шунингдек, меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, ММҚ соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ММҚ соҳасида аудит ўтказишга ҳам ҳақли.

Профессионал хизмат кўрсатувчи ташкилот фаолиятини ташкил этиш тартиби ва уларнинг ягона реестри ВМнинг 27.04.2017 йилдаги 246-сон қарорининг 1-илоvasига (кейинги ўринларда – 246-сон Низом) мувофиқ юритилади.

ММҚ соҳасида хизмат кўрсатиш учун профессионал иштирокчилар қуйидаги умумий талабларга жавоб беришлари керак:

➤ профессионал хизмат кўрса-

тувчи ташкилотнинг бевосита хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи ходимлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан бериладиган ММҚ соҳасида малакавий сертификатга эга бўлиши керак. ММҚ соҳасида профессионал хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбаридан сертификат талаб этилмайди;

➤ ташкилот штатида ММҚ мутахассисининг малакавий сертификатига эга бўлган ходимлар сони 3 кишидан кам бўлмаслиги керак;

➤ ташкилот рўхати ваколатли орган томонидан белгиланадиган ва унинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган ММҚ соҳасида хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган ММҚ масалалари бўйича техник назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар базасига эга бўлиши керак (246-сон Низомнинг 6-банди).

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ММҚ соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи хисобланади («Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси).

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ваколатли орган ММҚ соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг ягона реестрини ҳам юритади.

ММҚ соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш учун ваколатли органга 246-сон Низомнинг 3-илоvasига мувофиқ шаклда ариза билан бирга:

1) аризачининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

2) аризачи ишчилари малака сертификатининг нусхаси;

3) лаборатория аккредитацияланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (лаборатория мавжуд бўлганда);

4) ММҚ масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ёрдамчи маълумотлар базаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар топширилади.

Ваколатли орган ариза қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида аризачига ММҚ соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ягона реестрига киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани юборади.

Шундан сўнг профессионал хизмат кўрсатувчи ташкилот олинган гувоҳномага мувофиқ ММҚ соҳасидаги фаолиятини амалга оширишга киришиши мумкин.

Жамолiddин Ваккасов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Дастурни ташувчиси билан бирга сотиб оламан

Ташкилотимиз дастурий таъминот ишлаб чиқаради. Савдо ташкилотлари – асосий mijozларимиз. Кўпчи улар дастурий таъминотни ускуналар (тарози, моноблоклар, чек босиш учун принтерлар ва ҳ.к.) билан бирга сотиб олиш истагини билдирадилар.

Мижозга ускуналарни сотишга ҳақлимизми?

Бу улгуржи савдо деб ҳисобланадими?
А.Уфимцева, директор.

– Ҳа, mijozга ускуна сотишга ҳақлисиз.

Харидорлар (юридик шахслар) билан олди-сотди шартномалари тузилса, ҳисоб-китоблар эса нақд пулсиз шаклда амалга оширилса, бу улгуржи савдо деб ҳисобланади (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2, 10-бандлари).

Қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштирмасдан савдо фаолиятини амалга оширишга фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш сифатида қаралади. Бунинг учун жавобгарлик чоралари назарда тутилган (Низомнинг 45-банди).

Муайян ахборот ташувчидаги дастурий таъминотни реализация қилиш улгуржи савдо деб ҳисобланмайди. Бу ҳолда корхона ташувчиси сотиб бўлмайдиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотмоқда.

Саодат Усмонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-3-бетлар

• ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Меҳнат талафотсиз бўлиши учун

– Дастурни ташувчиси билан бирга сотиб оламан

2-бет

• ТАБРИКЛАЙМИЗ!

– Сертификатланган бухгалтер бўлган яхши
– Сертификатлаш: профессионалларнинг фикрлари

1, 4-бетлар

• МЕН – ИСТЕЪМОЛЧИМАН

– Кучланишга қарши заряд
– Жарима тўлагандан кўра ҳисоблагични алмаштирган маъжул

5-7-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Паспортлар ID-карталарга алмаштирилди
– Отасиникида меҳмонга
– Директор ноҳақ бўлганда
– Шартли соғва

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birleshtirish tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга кадастр ҳужжатлари берилади

Президентнинг 20.04.2018 йилдаги ПФ-5421-сон Фармони билан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлт акциясини ўтказиш маъқулланди (Фармон матни «СБХ» ушбу сонининг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

Фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмастан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлт акцияси эълон қилинди.

Акция 2019 йил 1 майга қадар давом этади.

Мулк ҳуқуқини эътироф этиш ва кадастр ҳужжатларини бериш учун 2 та шарт қўйилади:

➤ ушбу ер участкаси (участканинг бир қисми) унга қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмаган бўлиши;

➤ ўзбошимчалик билан қурилган иморат шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини бузмаётган бўлиши, шунингдек, унинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф туғдирмаслиги керак.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан

мулк ҳуқуқини эътироф этилмайдиган аниқ ҳолатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бу – муҳим! Фармон қабул қилингандан кейин ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар эътироф этилмайди. Бундан ташқари, бир марталик акциянинг амал қилиш мuddати тугагандан кейин ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш имконияти тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги нормалари бекор қилинади (ФҚнинг 212-моддаси).

Механизм ишлаши учун Вазирлар Маҳкамаси Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқини эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссияни тузади. Комиссиянинг тақдимномасига кўра туман (шаҳар) ҳокими ўзбошимчалик билан қурилган иморатни эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилади. ЭКИҲнинг 5 баравари миқдорида бир марталик йғим тў-

лашга тўғри келади. Бунда умумий мулк тўғрисидаги фуқаролик ва оила қонунчилиги қоидаларига риоя этилади (масалан, эр ва хотиннинг умумий мулки тўғрисидаги).

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишда мулкдорга у қурилган ер участкасига (участканинг бир қисмига) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилиб, ортиқча қисми Солиқ кодексининг 121-моддасида назарда тутилган жарима солинмасдан захира ерларига олиб қўйилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 19.04.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.



Муҳтож хотин-қизларга имтиёзли шартларда уй-жой берилади

Арзон уй-жойларни бериш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2018 йилдаги 285-сон қарори билан тасдиқланди.

Эслайтиб ўтамиз, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди таъсис этилди, у шу жумладан уй-жой шартини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга ёрдам кўрсатади.

➤ Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши;

➤ «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Имтиёзли уй-жой олиш дастурида иштирок этиш тартиби

Яшаш шартини яхшилаш мақсадида уй-жойга муҳтож хотин-қизлар доимий яшаш жойидаги ҳудудий комиссияга ариза билан мурожаат қилишлари лозим. Комиссиялар тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган бўлиб, арзон уй-жойлар дастурида иштирок этиш учун талабгорларни танлаб олиш билан шуғулланадилар. Улар ариза ва аёлнинг яшаш шартини яхшилаш, шундан кейин, ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, имтиёзли кредит асосида уй-жой олиш учун ёзма тавсия берадилар.

Дастурга киритилган талабгорлар рўйхати ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарига берилади, улар рўйхатларни умумлаштириб, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига тақдим этадилар. Улар эса инжиниринг компаниялари билан биргаликда, тақдим этилган муҳтож хотин-қизларнинг умумлаштирилган рўйхати асосида уй-жойларни қуриш учун зарур маблағларни аниқлайдилар. Шундан сўнг талабгорларнинг жамғарма омонат ҳисобрақамига бошлангич бадал ўтказилиши таъминланади. Аёллар инжиниринг компанияси филиали билан дастлабки шартнома тузадилар ва тегишли тижорат банки филиалига ипотека кредити ажратишни сўраб ариза берадилар.

Яшаш шартини яхшилашга эҳтиёжманд талабгорлар ижтимоий мезонларни баҳолаш орқали танлаб олинади. Улар орасида: бир неча оиланинг бир уйда (бир хонадонда) яшashi, икки ёки ундан ортқ фарзанди борлиги, оиласининг даромади, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар ва б.

Уй-жойга муҳтожлик даражаси ҳар бир мезон бўйича қўйиладиган баллардан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.04.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Қўаламзорлаштириш, экиш, дизайн. Кўчатлар: барги тўкиладиган, игнабаргли, мевали. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони орқали

(шаҳарлараро қўнғироклар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кун давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Т.Г.Имраржон кў. 14-б. Тел.: (+998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Арзон уй-жойларни ажратиш шартлари Куйидаги муҳтож хотин-қизлар арзон уй-жойларни олишлари мумкин:

➤ оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган;

➤ ногиронлиги бўлган;

➤ кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган оналар.

Уларга арзон уй-жойлар Президентнинг 21.10.2016 йилдаги ПҚ-2639-сон (қишлоқ жойларда) ва 23.10.2017 йилдаги ПҚ-3350-сон (шаҳарларда) қарорларида назарда тутилган дастурлар асосида берилади. Ҳар йили ажратиладиган уй-жойлар сони Президентнинг 22.12.2016 йилдаги ПҚ-2691-сон қарорида назарда тутилган туманлар ва шаҳарлар тоифасига (I ёки II) боғлиқ бўлади.

Уй-жойлар қиймати куйидагича қопланади: 25%и (бошлангич бадал) – Фонд, талабгор ишлаётган ташкилот, шунингдек тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

75%и – ипотека асосида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига.

Кредит дастури иштирокчисининг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. Аёл кам таъминланган оиладан бўлса ва доимий даромадга эга бўлмаса, кредит куйидагилар ҳисобига қопланиши мумкин:

➤ у ишлаётган ташкилот;



Сертификатланган бухгалтер бўлган яхши

Буни ўз тажрибамдан биламан. Агар университетда иқтисодий маълумот олиб, 2010 йилда машҳур «Корзинка»-да бухгалтер ёрдамчиси лавозимида иш бошладим, бу ерда бухгалтерия асослари ва кўникмаларига эга бўлдим. 2 йилдан кейин «Polifleks» МЧЖга бухгалтер бўлиб ўтдим, ушандан буён шу ерда ишляпман. 2016 йилдан мазкур компаниянинг бош бухгалтери ҳисобланаман.

– **Эҳтимол малакани мунтазам ошириб бориш лозимдир. Бухгалтерларнинг сертификатланишидан ўтиш сизга нима учун керак? Билишмича, ўқиш анча вақт олади, уни оилага ва дам олишга сарфлаш мумкин...**

– Тўғри, бухгалтерлар миллий ва халқаро дастурлар бўйича сертификатланиши ихтиёрий тусга эга. Ҳеч ким мени у ёки бу сертификат олишга мажбурламайди. Бироқ уларнинг мавжудлиги ишга жойлашишда муайян афзалликлар беради, улар соҳибининг профессионал даражаси юксалигидан далолатдир.

Шу сабабли эришган даражада қолиш ниятим йўқ. CIPA халқаро дастури бўйича ҳам сертификатланмоқчиман. Ойлам буни тушунади, зеро профессионал ютуқларим унинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Айтайлик, ЎБФнинг кўпгина сертификатланган аъзолари таниқли ва йирик компанияларда ишлайдилар. Бу тушунарли – бизнес, иш берувчи юқори даражадаги замонавий билимга ва амалий қобилиятга эга молия мутахассиси компания маблагларини кўпайтиришда ёрдам беришга ишониши лозим. Бугунги кунда бухгалтерлар профессионал бирлашмаси ана шундай ишонч бағишламоқда. У мустақил ва талабчан имтиҳонлар асосида аъзоларини сертификатлайди, мутахассис профессионал даражасини мунтазам ошириб боришини кафолатлайди. Ўзбекистон бухгалтерлар федерациясига аъзолигимни шахсий ютуғим деб биламан.

– **«Sultanova Ta'lim» ўқув марказида таълим олганингизни айтиб ўтдингиз. Ўқув жараёни, ўқитувчилар ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз. Фикримизча, бухгалтерия соҳасида билим олишни кўзлаётганлар учун бу қизиқarli бўлади.**

– Таълим курслари менга ёқди. Айниқса машғулотларнинг ташкил этилгани. Нафақат назария, балки амалий топшириқларни бажаришга ургу бериларди. Институтда дарсликни ўқиб, конспектларни ёдлаб, имтиҳондан муваффақиятли ўтиб олгач, ҳаммасини бамайлихотир унутиб юбориш мумкин. Ўқув марказида бухгалтерларни сертификатлаш дастурлари бўйича ўқитиш ўзлаштирган билимларни ҳеч қачон унутмасликка йўналтирилган. Амалиётда юзага келган масалани профессионал даражада ҳал этишга ўргатади.

Ўқитувчилар ишини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман. «Солиқ солиш» кур-

сини Оксана Огневчук олиб борарди. У бутун материални батафсил ва тушунарли тарзда етказиб, қисқа вақт ичида биз билан бир талай масалаларни ечди, мисоллар ёрдамида тафсилотларни кўрсатди, фикрларини аниқ шаклда баён эта олди. Оксана Вячеславовна – ўз ишини билувчи ва севувчи профессионал, бунинг устига куйинчак, кўнгли очик ва зукко одам. Салмоқли ва амалий тажрибага эга.

Ўқув жараёнидан ташқари пайтда ҳам унга савол билан мурожаат қилиш мумкин эди, «ХМХС бўйича молиявий ҳисоб» фанидан сабоқ берувчи Елена Карали ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Курснинг барча материаллари яхши шакллантирилган, профессионал даражада баён этилган, ҳаммаси тушунарли ва аниқ бўлди. Уларга малакалари ва ҳар бир тингловчига алоҳида ёндашуви учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Ўз ахборотимиз.

Сертификатлаш: профессионалларнинг фикрлари

Бухгалтер сертификати – бухгалтерия ҳисоби соҳасида фаолият юритиши учун профессионал малакасини тасдиқловчи ҳужжат. Манфаатдор бухгалтерлар миллий ва халқаро бухгалтерларни сертификатлаш дастурлари бўйича ихтиёрий равишда таълим оладилар. Бухгалтерларни сертификатлаш, бошқа ҳар қандай профессионал сертификатлаш сингари, 3 та ажралмас қисм – таълим, малака имтиҳонларини топшириш ва сертификатлашдан таркиб топади.

Таълим

Нозир Иброҳимов, САР, и.ф.д., профессор, Ўзбекистон сертификатланган профессионал бухгалтери, ЎБФ бошқаруви раиси:

– Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси ташкил этилган илк кунларидан эътиборан, 17 йил давомида бухгалтерларни CIPA халқаро дастури бўйича сертификатланишини, 2015 йилдан эса – Ўзбекистон бухгалтерларини миллий сертификатлаш дастурини илгари сурмоқда.

Таълимга келсак, бу масалада ҳеч қандай қолп йўқ. Сертификатланган бухгалтерларни тайёрлашга доир тасдиқланган дастурлар асосида исталган мақбул формат: мустақил тайёргарлик, курсларда кундузги таълим ва бошқаларни танлаш мумкин.

Имтиҳонларни топшириш учун таълим олиш мажбурий бўлмас ҳам, фикримча, имтиҳондан муваффақиятли ўтиш учун ўта муҳим. ЎБФ статистикаси гувоҳлик беришича, имтиҳонларни муваффақиятли топширган аксарият номзодлар курсларда таълим олганлар. Бунга кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг ўзлари таҳсил бераётган фанлар бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширганилиги имкон бермоқда.

Дарвоқе, сертификатлаш дастурлари бўйича имтиҳон модуллари таълимдан сўнг имтиҳонлар ўтказилиши назарда тутилган бошқа дастурлар (шу жумладан олий таълим тизими) билан солиштирганда яна бир ноёб хусусиятга эга: унда нафақат билим, балки амалий кўникма ва қобилият ҳам баҳоланади.

Федерация таълим фаолияти юритиш учун тегишли лицензияларга эга ўқув марказлари билан ҳамкорлик қилиш ҳақида битимлар имзолаган. Булар «Sultanova Ta'lim», «Venkon Education» ва «Менталист» ўқув марказларидир. ЎБФ бухгалтерлар сертификатланишдан ўтиши учун тингловчиларни тайёрлашдан манфаатдор бўлган республиканинг бошқа ўқув марказларини ҳамкорликка таклиф этади.

Имтиҳонлар

Гулнора Зухриддинова, САР, Ўзбекистон сертификатланган профессионал бухгалтери, «Deutsche Kabel AG Tashkent» АЖ ҚК бош бухгалтери, ЎБФ бошқаруви аъзоси, «ВБМВ» имтиҳон маркази кузатув кенгаши раиси:

– ЎБФ малака имтиҳонларини ўтказиш учун 2017 йил 1 июнда Бухгалтерлар малакасини баҳолаш маркази – «ВБМВ»ни таъсис этди. Унинг вазифаси – имтиҳон модулларини ишлаб чиқиш, имтиҳонларни маъмурийлаштириш, имтиҳон ишларини баҳолаш, ахборот махфийлигини таъминлаш.

Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси ва Сертификатланган оммавий бухгалтерлар Евросиё институтини ҳамкорлиги доирасида ЎБФ CIPA ва CPAEurasia халқаро сертификатлаш дастурлари бўйича сертификат олишда бухгалтерларни миллий сертификатлаш имтиҳонлари натижаларини ҳисобга олиш ҳуқуқини кўлга киритди. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказиши асосида фақат ЎБФ мамлакатимиз ҳудудидида CIPA товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фанлар бўйича имтиҳон модуллари мунтазам такомиллаштирилмоқда. Улар ҳисоб ва ҳисобот стандартларидаги ўзгаришлар, амалдаги қонунчилик, бизнес ва давлат органлари талабларига мувофиқ келади. Уларни юқори малакали халқаро сертификатланган экспертлар ишлаб чиқадилар. Профессионал имтиҳонлар тестлари сингари муҳим ахборотни ҳимоя қилиш учун имтиҳон бўйича у ёки бу вазифа муаллифларининг исми ошкор қилинмайди. Имтиҳон ишларини баҳоловчи экспертлар гуруҳи таркиби тўғрисидаги маълумотлари ҳам қатъий сир сақланади.

Сертификатлаш

Оксана Огневчук, CIPA, DiplFR, Ўзбекистон сертификатланган профессионал бухгалтери, ЎБФ сертификатланган ўқитувчиси, «SGS Tashkent» ХК бош бухгалтери, ЎБФ бошқаруви раисининг ўринбосари, «ВБМВ» имтиҳон маркази кузатув кенгаши аъзоси:

– Имтиҳонлар профессионал сертификатлаш жараёнида белгиланган таркибий қисм саналади. Бироқ «Ўзбекистон сертификатланган профессионал бухгалтери» профессионал сертификатини ва CIPA халқаро сертификатини олиш учун, зарур имтиҳонларни муваффақиятли топширишдан ташқари, олий маълумотга, ихтисослик бўйича камида 3 йиллик меҳнат стажига, шунингдек профессионал ташкилот аъзоси сифатида ижобий обрўга эга бўлиш лозим.

Сертификатлаш дастури бўйича мустақил имтиҳонлар натижалари асосида, шунингдек номзодлар бошқа талабларга мувофиқ келганда профессионал ташкилотлар ўз аъзоларига сертификатлар берадилар. Шунингдек этиб ўтамани, ушбу бухгалтерлар профессионал ташкилотини сертификатлаш ундаги аъзолиқни аниқлатади.

ЎБФдаги аъзолик Касб ахлоқи кодексига риоя этиш, кириш ва йиллик аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш, шунингдек йиллик мажбурий малака оширишдан ўтишни (тасдиқланган дастур бўйича 20 соат) талаб этади.

Федерация ўз қаторида фақат сертификатланган мутахассисларни бирлаштиради. ЎБФнинг «Профессионаллар билан – ривожланиш сари!» шiori бежиз янграмайди. Сертификат соҳиблари халқаро амалиётда қабул қилингандек, сертификат номига мувофиқ титулни ўз имзосига қўшиш ҳуқуқига эга.



Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг (ВМнн 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова) янги таҳрири етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги кескинликни камайтириш мақсадини кўзлаган. У энергия таъминоти соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда тузилган. Маиший истеъмолчилар белгиланган нормаларни бузувчилар сирасига кириб қолмаслик учун нималарга эътибор беришлари лозим? «Ўзбекэнерго» АЖнинг «Энергосетиш» филиали директори вазифасини вақтинча бажарувчи Ботир Алимов шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

Кучланишга қарши заряд

Қарз муносабатларга рахна солади

— Ботир Рустамович, Қоидалардаги аксарият ўзгаришлар нимага йўналтирилган?

— Тўлов интизомини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор қаратилган, истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларга тааллуқли қатор масалалар тартибга солинган. Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолияти билан боғлиқ бандлар киритилган. Ушбу ўзгаришлар дебиторлик қарзи қисқаришига олиб келиши керак. Шунда «Ўзбекэнерго» АЖ барча истеъмолчиларни энергия билан узлуқсиз ва сифатли таъминлай олади. Зеро модернизация қилиш ва янги қувватларни жорий этиш, ускуналарни лозим даражада сақлаш, энергия тизимидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун бизга маблаг керак.

— Қарздорга айланиб қолмаслик учун қандай йўл тутиш кераклиги, истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганларни нималар қутуши ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз.

— Ўтган ойда истеъмол қилинган электр энергияси ҳақи ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-санасига қадар тўланиши шарт. 11-кундан бошлаб тўлов муддатини ўтказган барча истеъмолчилар Бюро томонидан тузиладиган қарздорлар рўйхатига тушади ва уларга нисбаан қарзни ундириш чоралари қўлланила бошлайди.

Тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун пеня ҳисобланади. Унинг миқдори боқимонданинг 0,1%ини, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этади. Бунинг устига қарздорлар электр тармоқидан узиб қўйилади. Фақат қарз тўлангандан кейин амалга ошириладиган тақдоран улаш учун истеъмолчилар, Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) билан қамраб олинганлар бундан мустасно, энг кам иш ҳақининг (ЭКНН) 2 бараварини тўлашлари керак.

Шу билан бирга қарздорларга таъсир ўтказиш чоралари комплекси тўлдирилди. Президентнинг 15.02.2018 йилдаги ПФ-5343-сон Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда янги Қоидаларга ўзгаришлар киритилди. Энди Бюро қарздорликни қоплаш учун истеъмолчиларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатиладиган банк ҳисобварақларидан ЭКННнинг 2 бараварини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга. Бироқ айрим истеъмолчиларнинг қарзи шу даражага етганки, битта картачадан ҳар ойда ҳисобдан чиқариш йўли билан ушбу суммани узоқ вақт мобайнида қоплаб бўлмайди. Шу сабабли шу йилнинг 1 мартдан бошлаб бир манзилда прописка қилинган барча вояга етган жисмоний шахсларнинг мавжуд қарздорликни тўлаш бўйича солидар жавобгарлиги жорий этилди. Бюрога бир уй ёки квартирада прописка қилинган барча шахсларнинг пластик карталаридан уни сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилди.

1 майдан бошлаб барча қарздорлар умумфойдаланиш учун очик бўлган маълумотлар базасига киритилади. Унга киритилган қарздорлар йирик битимларни амалга ошириш, шунингдек айрим турдаги молия-кредит хизматларини; халқроқ йўловчи ташиш хизматларини ва давлат хизматларини олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Қарздор деган тушунча ўтмишда қолишига интилаётганимизни қайд этиб ўтмоқчиман. Шу сабабли олдиндан тўловни рағбатлантираёямиз. Бир йил олдиндан тўлаб қўйганлар нархлар ошган тақдирда ушбу давр учун қайта ҳисоб-китоб қилишдан озод қилинадилар. Қўрилаётган чоралар самарадорлиги ЭХНАТни жорий этиш жараёнини тезлаштиради. Тизим телефон алоқаси операторлари сингари истеъмолчилар билан олдиндан тўлов принципи бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиш имконини беради.



ҳақидаги қитанцияларни ўзи билан олиб келиши лозим.

Нафақат асосий қарзлар, балки белгиланган қоидаларга риоя этмаганликлари оқибати ҳам истеъмолчилар учун қутилмаган янгилик бўлиши мумкин.

Электр энергиясини ҳисобга олиш прибори бўлмаган ва (ёки) турар жойда вақтинчалик яшамаётган истеъмолчи Қоидаларнинг 103-бандига мувофиқ электр энергияси учун нотўғри тўлов ҳисобланганининг олдини олиш мақсадида Бюро ва ТЭТКни бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бироқ қайтиб келганда ёки Бюро ва ТЭТК томонидан даъво тақдим этилганда эмас, балки чиқиб кетиш ниятида бўлган пайтда олдиндан хабардор қилиш зарур.

Ҳисоблагич ўрнатилган шахслар кўрсаткичларни ёзиб олиш учун Бюро ходимларини уйга қўйишлари зарур. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини назорат тартибда ёзиб олиш бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ТЭТК электр энергияси истеъмолининг шартномадаги миқдори бўйича ёки олдинги давр учун амалдаги истеъмол ҳажми тўғрисидаги маълумотларга асосан тўлов ёзиш ҳуқуқига эга бўлади. Шартномадаги миқдор шартномага махсус иловада келтирилади. Бундай ҳисобланмалар далили ҳақида истеъмолчига огоҳлантириш юборилади. Бунда Бюро ходимлари томонидан ҳисобга олиш приборларидан назорат кўрсаткичлари ёзиб олингандан кейин ТЭТК амалда истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиб, тўлов суммасини қайта ҳисоб-китоб қилади.

Кўчмас мулк сотиб олаётганда ҳам эътиборли бўлиш зарур. Турар жой ёки нотурар жой фонди биносига кўчиб кирган янги мулкдор 30 кун мобайнида электр таъминоти шартномасини тузиши ва ўз номига шахсий ҳисобрақамни қайта расмийлаштириши шарт. Шахсий ҳисобрақамни бошқа истеъмолчига ТЭТК янги мулкдорнинг кадастр ҳужжатлари маълумотларига мувофиқ қайта расмийлаштириши. Ушбу маълумотларни у кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 3 кун муддатда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан олади. Кўрсатилган муддатда шартнома тузилмаган ва шахсий ҳисобрақам қайта расмийлаштирилмаган бўлса, аниқланган қарздорлик учун барча жа-

вобгарлик кўчмас мулкнинг янги мулкдори зиммасига юкланади.

Кейинги пайтда яна бир масала долзарб тус олди. Агар хонадон, хусусий уй-жой, боғ участкаси ва бошқа шахсий объектлардан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилганда, электр энергияси учун қандай ҳақ тўланади? Бу ҳолда 2 та ҳисоблагич ўрнатилган бўлиши керак: бири маиший мақсадларда фойдаланиладиган электр энергияси ҳисобини юритиш учун, бошқаси эса — тадбиркорлик фаолияти учун. Бунда электр энергияси истеъмолчиларининг тегишли тариф гуруҳига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади. Қоидалар амалга киритилиши билан бундай гуруҳлар сони 10 тадан 4 тагача қисқартирилди. Сизнинг тадбиркорлик субъектингиз қайси гуруҳга мансублигини ХТЭК ходимлари электр таъминоти шартномасини тузиш чоғида белгилайдилар.

Бинони ижарага берувчилар ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда ёки бекор қилинганда мижоздан ТЭТКнинг у кўчиб кетиш кунига электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилинганлиги ҳақидаги маълумотномани талаб қилишлари шартлигига эътиборларини қаратмоқчиман. Қоидаларга кўра кўчиб кетган ижарачиларнинг қарзлари бўйича жавобгарлик ижарага берувчи зиммасида бўлади. Бу хонадонларни ижарага берувчиларга ҳам тааллуқли.

— Тўлов ҳужжатларини ёзишда арифметик хатоликлар, тарифни нотўғри қўллаш туфайли кам ва ортиқча тўловлар юзага келади. Бундай ҳолларда нима қилиш лозим?

— Бундай вазиятларда туман электр таъминоти корхонасига иложи борича тезроқ муурожаат қилиш зарур. ТЭТК фарқни тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта ҳисоблаб чиқади ва даъво муддати доирасида уни ортиб борувчи якун билан кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олади.

Қоидаларда белгиланишича, ой давомида тариф ошганда, тариф ўзгарган санамача истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тўлов кунда ёзиб олинган деб ҳисобланади. Тарифлар ўзгаргандан кейин истеъмол қилинган электр энергияси миқдори учун янги тариф бўйича ҳақ тўланади.

Не кўз билан кўрайки...

— Ашаддий тўламайдиганларга қарши кураш асоссиз қарздорлик ҳисоблашни муаммоси билан боғлиқ, ундан инсофли истеъмолчилар азият чекадилар. Бу ҳолда қандай йўл тутишни маслаҳат берасиз?

— Асоссиз қарздорлик — вақтинчалик муаммо. Истеъмолчилар билан ўзаро ҳисоб-китоблар ҳисоблагич кўрсаткичлари асосида амалга оширилиши ҳисобга олинса, Бюро маиший истеъмолчиларни ҳар ойда айланиб чиқиб, ҳақиқий кўрсаткичлар ёзиб

олинишини таъминлаши, шунингдек ЭХНАТ жорий этилиши билан у ҳал бўлади. Айни пайтда асоссиз қарз суммалари ҳисобланган барча истеъмолчилар назорат кўрсаткичларини ёзиб олиш ва «Ўзбекэнерго» АЖ биллинг тизимига ўзгаришларни киритиш учун Бюрога, шунингдек туман электр таъминоти корхонасига (ТЭТК) қарз суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш учун дарҳол муурожаат қилишлари зарур. Сўнгги 3 йил учун электр энергияси ҳақини тўлаганлиги



Кучланишга қарши заряд

Барибир тўлашга тўғри келади

– **Ўзбошимчилик билан улаиб олганлик ёки кўрсаткичларни бузиб кўрсатганлик далили аниқланганда ўзаро ҳисоб-китоблар қандай амалга оширилади?**

– Бундай ҳолатларни Бюронинг ваколатли вакили аниқлайди ва 2 нусхада далолатнома расмийлаштиради, уни мазкур ходим ва истеъмолчи имзолайди. Бир нусхаси истеъмолчига берилади. Бюро далолатномаси ёки унинг тақдимномаси асосида ТЭТК истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди ва қайта ҳисоб-китоб қилади.

Ўзбошимчилик билан улаиб олганда ўзаро ҳисоб-китоблар Қоидаларнинг 118-бандига асосан амалга оширилади. Истеъмолчидан рухсатсиз истеъмол қилинган электр энергиясининг қиймати истеъмолчи расмий равишда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўтган вақт мобайнида (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) ёки даъво муддати (3 йил) учун электр ускуналарнинг уланган қувват бўйича суткасига 24 соат давомида ишлаши ҳисобидан ундирилади.

Истеъмолчининг (маиший истеъмолчидан ташқари) айби билан ҳисобга олиш приборига зарар етказилган, уни улаш схемаси ўзгартирилган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси бошқа усулда ўғирланган бўлса, ҳисобга олинмаган электр энергияси энергия таъминоти шартномасида кўрсатилган истеъмолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича:

➢ ҳисобга олиш приборини улаш схемалари ўзгартирилганда ва электр қабул қилгичлар кўз билан аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари, переключателар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланганда – ҳисобга олиш приборлари охириги алмаштирилган ёки улаиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

➢ ҳисобга олиш приборига истеъмолчининг айби билан зарар етказилганда (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатлар) ёки электр энергияси айланиб чиқишда кўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошқа усулда ўғирланган тақдирда – охириги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан, яъни 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ҳисобланади (Қоидаларнинг 117-банди).

Қоида бузилган ҳолда фойдаланилган электр энергияси ҳажми қийматини ҳисоб-китоб қилишда қоида бузиш аниқланишидан олдинги давр учун амалдаги тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилатган вақтдаги тариф қўлланилади. Қайта ҳисоб-китобни ТЭТК Қоидаларнинг 121-бандига мувофиқ амалга оширади:

➢ ёритиш электр қабул қилгичларнинг қуввати бўйича – улардан сутканинг ёруғ бўлмаган вақтида амалда фойдаланиш ҳисобидан келиб чиқиб;

➢ штепсель розеткалари бўйича (маиший истеъмолчида мавжуд сонидан қатъи назар) – бир суткада 24 соат 600 Вт қувватдан фойдаланиш ҳисобидан;

➢ электр қабул қилгичларнинг (маиший истеъмолчи фойдаланаётган 600 Вт дан ортиқ қувватли электр иситиш асбоблари ёки бошқа электр асбоб-ускуналари) амалдаги қуввати бўйича – бир суткада 24 соат фойдаланиш ҳисобидан келиб чиқиб.

Ҳисобга олинмаган электр энергиясининг қайта ҳисоб-китоби белгиланган тартибда, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда, қоида бузиш аниқланишидан олдинги давр учун амалда тўланган миқдор ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Бунинг устига истеъмолчи Қоидаларни бузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришига тўғри келади.

– **Ҳисоблагич ишдан чиққан, бунда истеъмолчининг айби бўлмаса-чи? Бу ҳолда ТЭТК билан муносабатлар қандай бўлади?**

– Агар ҳисоблагич ишида носозликни сезсангиз, Бюро ходимларининг навбатдаги ташрифини кутиб ўтирманг. Бюро ва ТЭТКга ўзингиз дарҳол мурожаат қилинг. Қоидаларнинг 119-бандига мувофиқ, ҳисоб-китоб Бюрони хабардор қилган ҳолда ТЭТКнинг қарори бўйича олдинги ҳисоб-китоб давридаги (ҳисобга олиш бузилишига қадар) ёки кейинги даврдаги (ҳисобга олиш тиклангандан) ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Ҳисоблагични кўздан кечириш ёки тўлов ҳужжатидаги хатолик тўғрисида мурожаат қилиш истеъмолчини белгиланган муддатда истеъмол қилинган энергия учун ҳақ тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди. Қавтанчилар текширилгандан ёки ҳисобга олиш прибори кўздан кечирилгандан кейин қайта ҳисоб-китоб қилиш зарурлиги аниқланса, у навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзиб бераётганда амалга оширилади.

Қандай ҳисоблагичлар алмаштирилади

– **ЭХНАТни жорий этиш 2021 йлга келиб якунланиш режалаштирилмоқда. Айни пайтда оз сонли истеъмолчилар пилот лойиҳалар билан қамраб олинган. Яъни яқин йилларда уларнинг аксарияти ҳисоблагичларни алмаштириш тартиботи билан тўқнаш келадилар. Нималарга тайёр бўлиш лозим?**

– Қоидаларнинг 44-бандига айтилганидек, электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида барча истеъмолчилар мажбурий тартибда

ЭХНАТга мос келадиган электрон ҳисобга олиш приборлари билан таъминланган бўлишлари керак. Яъни маънан ва жисмонан эскирган ҳисобга олиш приборларидан фойдаланувчи истеъмолчиларга алмаштириб берилади.

Замонавий ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни ўрнатишга барча харажатлар «Ўзбекэнерго» АЖнинг жалб этилган ва ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. ЭХНАТни жорий этиш доирасида ўрнатилган

приборлар кейинчалик ҳам ТЭТК маблағлари ҳисобига даврий қиёсқовдан ўтказилади.

Приборнинг нормал иши истеъмолчининг айби билан бузилганлиги аниқланса, у ҳисоблагичдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни зиммасига олади. Ушбу нормалар ҳам Қоидаларда белгиланган.

– **Ҳозир кўп истеъмолчиларда ЭХНАТга мос келадиган ҳисоблагичлар ўрнатиш, бироқ улар ҳали тизимга уланмаган. Уларнинг ҳисобга олиш приборлари ҳам алмаштириладими?**

– Бундай истеъмолчилар ЭХНАТга уланади. Бироқ дастлаб ҳисоблагичлар белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади ва зарурат туғилганда режадан ташқари қиёсқовдан ўтказилади.

Ушбу ҳисоблагичлар ЭХНАТга улангандан кейин улар лойиҳа доирасида ўрнатиш билан ҳисоблагичлар сингари қиёсқовдан ўтказилади, яъни буни энергетиклар «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари ҳисобига амалга оширадilar.

– **Қоидаларда назорат ҳисобга олиш асбобларидан фойдаланишга йўл қўйилади, бунда уларга муай-**

Қаерга ўрнатилади

– **Ҳисоблагич ўрнатиладиган жойни танлашда истеъмолчи ва электр тармоқлари корхонаси вакилларининг хоҳишлари фарқланади. Қоидаларга кўра масала қандай ҳал этилиши керак?**

– Қоидаларда белгиланишича, кўп хонадонли турар жойларда ҳисобга олиш приборлари ҳар бир хонадонга лойиҳада назарда тутилган махсус ажратилган жойларда, асосан зинапоя майдончаларида ўрнатилиши шарт. Хусусий турар жойларда ҳисоблагични ўрнатиш жойи янги Қоидаларда белгиланмаган. Бироқ бу приборни хоҳлаган жойда ўрнатиш мумкинлигини аниқламайди. Электр билан таъминлаш лойиҳаларини ишлаб чиқишда мутахассислар Истеъмолчиларнинг электр қурилмалардан техник фойдаланиш қоидалари ва Электр қурилмаларни жойлаштириш қоидалари талабларидан келиб чиқади. Уларга сўзсиз риоя этиш – ҳаёфсизлигингиз омили.

Қоидаларга кўра ҳисобга олиш приборлари фақат Бюро ва ТЭТК билан келишувга биноан бошқа жойга ўрнатилади. Бироқ амалиётда Қоидаларни бузиш ҳоллари кўп учрайди. ЭХНАТнинг жорий этилиши бу масала ҳам тартибга солинишига имкон беради.

ЭХНАТга мос келадиган замонавий ҳисоблагичлар ёппасига ўрнатилиши муносабати билан яқин орада кўп хонадонли уйларда ва хусусий турар жой секторига ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш механизмни тартибга солувчи янги ҳужжат чиқиши кутилмоқда. У ЭХНАТдан фойдаланиш бўйича техник талаблар ва Қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришмоқда.

– **Ҳужжатни ишлаб чиқишда истеъмолчиларнинг манфаатлари**

ян техник талаблар ва қиёсқовдан муддатлари белгиланмаган. Нима учун?

– Сабаби ушбу асбобларнинг кўрсаткичлари ТЭТК билан истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларда эътиборга олинмайди. Улардан асосан катта корхоналарнинг алоҳида цехлари, кўп энергия сарфлайдиган ускуналари электр энергиясини ишлатишини назорат қилиш учун фойдаланилади. Аҳолида бундай ҳисобга олиш асбоблари асосан дала ҳовли участкалари эгалари электр энергиясини истеъмол қилишини ҳисобга олиш учун боғдорчилик ширкатларида учрайди. Бундай ҳолларда электр энергиясини етказиб бериш шартномаси ТЭТК билан ширкат ўртасида тузилади, ўзаро ҳисоб-китоблар эса ҳисобга олувчи ягона ҳисоб-китоб прибори бўйича амалга оширилади.

Назорат ҳисобга олиш асбобини маиший эҳтиёжларга ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун электр энергияси истеъмолини алоҳида ҳисобга олувчи ҳисоблагичлар билан адаштириш керак эмас. Бундай ҳисоблагичлар ТЭТКда рўйхатдан ўтказилади, ўзаро ҳисоб-китоб қилишда уларнинг кўрсаткичларидан фойдаланилади.



ва хоҳишлари инобатга олинадими?

– Истеъмолчилар ҳисоблагичлар кўп ўғирланганлиги сабабли уни хонадонларда ўрнатишга ҳаракат қилган пайтларни эслаб хавотирга тушмоқдалар. Бироқ ташвишлинишга ўрин йўқ, айна пайтда ҳар бир ҳисобга олиш прибори «Ўзбекэнерго» АЖ биллинг тизимида муайян шахсий ҳисобрақамга боғланган, уни бошқа жойга ўрнатиб бўлмайди.

Шунингдек Қоидаларда белгиланганидек, Бюро ходимининг ҳисобга олиш приборини соат 8.00 дан 20.00 гача ҳеч қандай қаршиликларсиз қўришни таъминлаш истеъмолчининг манфаатидир. Бюро ва (ёки) ТЭТКнинг ваколатли вакили ҳисобга олиш приборларини кўздан кечириш учун қўйилмаганда далолатнома расмийлаштирилади, истеъмолчи у билан танишиб чиқиши шарт. У далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, унга бу ҳақда тегишли ёзув қайд этилади. Рад этиш икки гувоҳ ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши шарт. Далолатномани имзолашни рад этган истеъмолчи бунинг сабабини тушунтиришга ҳақли – бу далолатномага киритилиши лозим. Далолатномани имзолашни рад этиши уни электр тармоқларидан узиб қўйишга асос бўлади, бу ҳақда у хабардор этилиши лозим.



Қиёсловдан ўтказиш ҳақида батафсил

– Президентнинг «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чоратдирлари тўғрисида»ги қарори (13.11.2017 йилдаги ПҚ-3384-сон) билан қиёсловдан ўтказиш ораллиги 10 йил этиб белгиланган. Қоидалар билан бирга тасдиқланган намунавий шартномага биноан эса бу муддат 4 йилни ташкил этади. Қандай йўл тутуш керак?

– Ўзингиз айтганингиздек, ЭХНАТ жорий этилиши доирасида ўрнатилган ҳисоблагичлар 10 йилда бир марта қиёсловдан ўтказилади, ЭХНАТни жорий этиш яқунлиги мўлжалланаётган муддат – 2021 йил. Бироқ Қоидалар эски намунадаги, шу жумладан электрон ҳисобга олиш приборларидан фойдаланувчи истеъмолчилар билан шартномалар тузиш заруратини инобатга олган ҳолда тасдиқланган. Улар учун «Ўзстандарт» агентлиги белгиланган қиёсловдан ўтказиш ораллиги уларнинг техник хусусиятларини инобатга олган ҳолда 4 йилга тенг. Бунда техник база мавжуд эмаслиги сабабли индукцион ҳисоблагичлар даврий қиёсловдан ўтказилмаяпти.

– ТЭТК ҳисоблагични қиёсловдан ўтказишни ўз вақтида ташкил этмаган бўлса, фойдаланилган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китоб қандай амалга оширилади?

– Бундай ҳолларда Қоидаларнинг 56-бандига кўра истеъмолчи қиёсловдан ўтказиш муддати ўтган ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига кўра электр энергияси ҳақини тўлаш ҳуқуқига эга. Бунда электр таъминоти корхонаси маиший истеъмолчи қиёсловдан ўтказиш муддати ўтган ҳисоб-

лагич орқали уни ҳисобга олган даврда фойдаланган электр энергияси учун ҳақни қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Истеъмолчи ўз ҳисобга олиш приборини «Ўзстандарт» агентлигида мустақил қиёсловдан ўтказиши ҳам мумкин. Бу ҳолда ТЭТК маиший истеъмолчининг ёзма мурожаатига кўра ҳисоблагични бепул ечади, қиёсловдан ўтказилган, пломбаланган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳисоблагични ўрнатади.

Бироқ бу истеъмолчи электр таъминоти корхонасининг келгуси қиёслов хизмати учун тўловни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида хабарномасини эътиборсиз қолдириши ёки ТЭТКнинг ваколатли вакилига ўзининг ҳисобга олиш приборига тегишли ишларни амалга ошириш учун йўл қўймаслиги мумкинлигини англамайди. Бунда ҳисоблагични қиёсловдан ўтказиш муддати ўтгандан сўнг истеъмолчи амалда ёритиш электр энергияси қабул қилгичларининг қувватидан сутканинг ёруғ бўлмаган вақтида фойдаланиш ҳисобидан келиб чиқиб электр энергияси ҳақини тўлайди. Штепсель розеткалари мавжуд бўлганда эса (уларнинг сонидан қатъи назар) – бир суткада 24 соат 600 Вт қувватдан фойдаланиш ҳисобидан. 600 Вт дан ортиқ қувватли иситиш асбоблари ва (ёки) совутиш режимидаги кондиционерлардан фойдаланганда маиший истеъмолчи электр энергияси учун тўловни уларнинг амалдаги қуввати бўйича суткасига 24 соат, иситиш мавсумида – электр иситиш асбоблари ишлаши ва ёзги мавсумда – совутиш режимидаги кондиционерлар ишлаши ҳисобидан амалга оширади.

Шартномаларни қайта тузиш

– Яқин орада истеъмолчилар билан шартномалар қайта тузилади. Нималарга эътибор қаратиш лозим?

– Бу жараён тўлақонли олиб борилмақда. Биринчи навбатда юридик шахслар билан шартномалар қайта тузилади. Улар билан ўзаро ҳисоб-китоблар 100 фоизлик олдидан тўлов шартида амалга оширилади. Шундан сўнг маиший истеъмолчилар билан иш олиб борилади. Ҳужжатни имзолашда истеъмолчилар унинг мазмунини билан албатта танишиб чиқишлари шарт. Ҳужжатда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, уларни бажариш келгусида қўллаб-қўллаб жихатларга йўл қўймаслик имконини беради.

Ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кирмайдиган кўп хонадон-

ли турар жойлар вакиллари билан шартномалар тузиш масаласи узоқ вақт тартибга солинмади. Қоидаларнинг янги таҳририда белгиланишича, кўп хонадонли уй-жойларни бевосита бошқарганда умумий йиғилиш билан вакил қилинган уй-жойларнинг эгалари уйнинг умумий эҳтиёжларига сарфланадиган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида ТЭТК билан электр таъминоти шартномаси тузиш ҳуқуқига эга. Бунда умумий йиғилиш билан вакил қилинган бир ёки бир неча уй-жой мулкдори ТЭТК билан муносабатларда мулкдорлар номидан ҳаракат қилишга ҳақлидир. Бинобарин, истеъмолчиларнинг ушбу тоифаси билан ҳам шартномалар тузилади.

Олег Гаевой.

МАЗЗУГА ДОИР САВОЛ

Жарима тўлагандан кўра ҳисоблагични алмаштирган маъқул

Электр энергиясини ҳисобга олувчи совет намунасидаги СО-2 прибори ўрнатилган. ТЭТК инспектори ушбу ҳисобга олиш прибори котировка қилмаслиги, фойдаланиш учун яроқсизлиги борасида эътироз билдириб, 906 000 сўм жарима белгиледи. Бунда у тўлов учун счёти ёзишни ёки ҳисобга олиш прибори яроқсизлиги ҳақида қандайдир далолатнома, ҳужжат ёки қарорни тақдим этишни истамаётти. Бу қарз қаерда қайд этилган деган саволимга «компьютерда шундай ёзилган» деб жавоб бераётти.

Прибор келгусида фойдаланиш учун яроқли ёки яроқсизлиги, у сертификатланиши керак ёки керак эмаслиги тўғрисида қаердан маълумот олсам бўлади (ҳужжат рақами, санаси, унга ҳаволани кўрсатсангиз)?

Т.Шаталова, бош бухгалтер.

– Электр энергиясини ҳисобга олиш прибори пломбаланган, тегишли жойда ўрнатилган бўлса, энергетиклар эса қиёсловдан ўтказиш чораларини белгиланганидек ташкил этмаган бўлсалар, ҳисобга олиш прибори фойдаланишга яроқсиз дейишга асос йўқ.


Истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш учун ҳозир истеъмолчилар турли электр ҳисоблагичлардан фойдаланадилар. «Ўзстандарт» агентлиги ёки Ўзбекистон Республикасининг ўлчов воситаси турини тасдиқлаш тўғрисидаги сертификатига эга бўлган ҳудудий бўлимлар томонидан рўйхатдан ўтказилган Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (ЭХНАТ) мос келадиган ҳисобга олиш асбобларини (Қоидаларнинг 4-банди, ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова) 2020 йил охиригача барча истеъмолчиларга ўрнатиш режалаштирилмоқда.

йилда 2736-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 9-банди).

Агар маиший истеъмолчининг электр энергиясини ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш ораллиги тугаши билан электр таъминоти корхонаси томонидан белгиланган тартибда қиёслов тадбирлари ўтказилмаган бўлса, унда ушбу истеъмолчи қиёсловдан ўтказиш муддати тугаган ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига кўра электр энергияси ҳақини тўлайди.

Бунда электр таъминоти корхонаси маиший истеъмолчи томонидан қиёсловдан ўтказиш муддати тугаган ҳисобга олиш приборидан фойдаланган электр энергияси учун қайтадан ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Маиший истеъмолчи ўз ҳисоблаш асбобини «Ўзстандарт» агентлигида мустақил қиёслов ўтказиш ҳуқуқига эга. Бунда электр таъминоти корхонаси маиший истеъмолчининг биринчи тала-



Ҳисобга олиш асбобларини ва ўлчов трансформаторларини даврий қиёсловдан ўтказиш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади (Қоидаларнинг 55-банди).

Ҳисобга олиш приборининг қиёслашлараро интервал муддати тугашидан қамада бир ой олдин электр таъминоти корхонаси томонидан истеъмолчига имзо қўйдирган ҳолда хабарнома тақдим этилади. Хабарнома 2 нусхада тузилади. Унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади, истеъмолчи томонидан имзоланган иккинчи нусха эса, электр таъминоти корхонасида қолдирилади (АВ томонидан 1.12.2015

бига кўра электр энергиясини ҳисобга олиш приборини бепул ечиш, ўрнатиш, пломбалаш ва рўйхатдан ўтказишга мажбур (Қоидаларнинг 56-банди).

Бироқ сизда шу пайтгача индукцион ҳисоблагич турган бўлса, техник база мавжуд эмаслиги боис улар қиёсловдан ўтказилмаяпти.

Шу сабабли эски ҳисоблагични алмаштириб, ЭХНАТга мос келадиган замонавий ҳисобга олиш приборини ўрнатишларини сўраб, ТЭТКга ариза билан мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Паспортлар ID-карталарга алмаштирилади

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Президентнинг 18.04.2018 йилдаги ПҚ-3673-сон қарори билан инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкिलий чора-тадбирлари тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатимизда Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор ташкил этилган, 2019 йил бошига келиб эса республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва пронозлаш имконини берувчи, давлат ва бошқа инфотизимлар билан интеграцияланган Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими ишга тушиши керак.

Шу муносабат билан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ягона интеграторнинг маълумотлари ишлов бериш марказлари ташкил этилмоқда. Улар қуйидаги имкониятларни беради:

- давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаларида мавжуд бутун ахборотни сақлаш;
- барча инфотизимларнинг яқиндан ҳамкорлик қилиши;
- маълумотларни хавфсиз сақлаш ва барқарор ишлаш;

➤ тарқоқ маълумотларга келгусида аналитик ишлов бериш бўйича платформа яратиш.

Ягона интегратор ва маълумотларга ишлов бериш марказларининг фаолият юритиши Ахборот коммуникациялари вазирлиги, ЛБМА, Бош прокуратура ва Давлат хавфсизлиги хизмати томонидан ўз ваколат доирасида таъминланади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг инфотизимлари, ресурслари ва дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграциялашни назарда тутувчи НХХ лойиҳалари, шунингдек уларнинг лойиҳа ва техник ҳужжатлари мажбурий тартибда Ягона интегратор билан келишилиши шарт.

Ҳужжатда қуйидагилар жорий этилиши қайд этилган:

- солиқ тўловчилар ҳисобга олинишини кенгайтириш ва солиқ тушумлари устидан назоратни ошириш ҳисобига бюджетга даромадларни қўпайтириш имконини берувчи «онлайн» назорат-касса машиналари тизимлари;

➤ телефон орқали музокаралар юртида телекоммуникация хизматлари, хавфсизлик ва назорат учун бюджет маблағлари тежалишини таъминлаш имконини берувчи ҳукуматнинг мобил алоқа тизими;

➤ ҳар бир фуқаронинг ягона идентификация рақами, унинг шахсий маълумотларини ўз ичига олган ва давлат хизматларини олишда – паспортлар, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ва шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд тизими ўрнига (республика ичида), ҳайдовчилик гувоҳномаси бундан мустасно, шахсни аниқлаш учун фойдала-



ниладиган идентификация карталари (ID-карталар) тизимлари;

➤ транспорт воситаларининг қоғоз шаклидаги ҳужжатларини бекор қилишни назарда тутувчи транспорт воситаларини ҳисобга олиш тизимлари.

Бу – муҳим! Тошкент шаҳрида 2018 йил 1 ноябргача бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига лойиҳалар жорий этилиши ва тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этилишини таъминлаш топширилган. Барча юридик шахслар 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда онлайн НКМдан фойдаланишга мажбурлар (29.09.2017 йилдаги ПҚ-3300-сон қарор).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.04.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Отасиникига меҳмонга

Ўғлим билан Россияга, турмуш ўртоғимнинг олдида бориб келимоқчимиз. Ўғлим вояга етмаган. Турмуш ўртоғимникига бора олишимиз учун у менинг номимга ишончнома бериши керакми?

Н.Кузеева.

– Фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ота-оналардан бири билан хорижга вақтинча чиқаётганда ота-оналардан иккинчисининг розилиги талаб қилинмайди (Низомнинг 29-банди, ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарорига 1-илова).

Низомда фарзандингизни Россияга вақтинча олиб чиқишингиз учун турмуш ўртоғингиздан қандайдир ишончнома олишингиз назарда тутилмаган.

Директор ноҳақ бўлганда

Мактаб директори ўқувчининг (хорижга чиқиш учун) виза ва рухсатномалар бўлими анкетасидаги маълумотларни тасдиқлаш учун шаҳар халқ таълими бошқармасидан маълумотнома тақдим этишни талаб қилмоқда.

У қандай ҳужжат асосида шаҳар халқ таълими бошқармасининг маълумотномасисиз виза ва рухсатномалар бўлими анкетасига муҳр қўйишдан (маълумотларни тасдиқлашдан) бош тортмоқда?

Людмила И. Тошкент ш.

– 16 ёшга тўлмаган шахслар хорижга вақтинча чиқишга стикерни расмийлаштириш учун доимий рўйхатдан ўтган жойидаги ИИВнинг Миграция ҳамда фуқаролиқни расмийлаштириш бош бошқармасининг бўлинмасига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- а) белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
- б) ушбу муассаса ёки ташкилот орқали чиқилган тақдирда муассаса ёки ташкилотнинг белгиланган намунадаги бюртномаси;
- в) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати;
- г) туғилганлик ҳақида гувоҳнома;
- д) 35 x 45 мм ўлчамли 4 та фотосурат;
- е) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирга яшайдиган ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги;
- ж) фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга ҳамроҳлик қилаётган шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти;
- з) давлат бож ёки консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар тўланганлиги тўғрисида квитанция.



Фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ота-оналардан бири билан хорижга вақтинча чиқаётганда ота-оналардан иккинчисининг розилиги талаб қилинмайди (200-сон Низомнинг 29-банди).

Шу тариқа, мактаб директорининг 16 ёшга тўлмаган шахс хорижга чиқиши учун шаҳар халқ таълими бошқармаси маълумотномасини тақдим этиш ҳақидаги талаблари асоссиз. Муассаса ёки ташкилот орқали хорижга чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

Шартли совға

Тошкентда яшовчи фуқаро ўз квартирасини бошқа шаҳарда яшовчи қариндошига (ҳоласининг неварасига) совға қилиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, расмийлаштириш тартиб-таомилини баён этсангиз.

А.Р. Тошкент ш.

– Тошкент шаҳридаги турар жойни ҳада қилиш мумкин, агар сотиб олувчи томон:

- Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлса;
- Тошкент шаҳри ҳудудида камида 3 йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати (14.09.2011 йилдаги УРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ИИОнинг доимий пропискаси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган йўриқноманинг 21-банди).

Шу тариқа, сиз (Тошкентда яшовчи фуқаро) ҳада қилиш йўли билан бошқа шаҳарда яшовчи қариндошингизга ўз квартирасини мулк қилиб бериш учун у Тошкент шаҳрида пропискадан ўтиши зарур. Шундан кейин у яшаш жойида 3 йил яшаши керак. Сўнг доимий пропискаси мавжудлиги тўғрисида Миграция ҳамда фуқаролиқни расмийлаштириш бош бошқармасининг бўлинмаси унга берган маълумотнома асосида уй-жойни ҳада қилиш битимини нотариал идорада расмийлаштиришингиз мумкин бўлади.

Санжар Ҳўжааҳмедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир –
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муросалат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида термиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма тибок. Баҳолан қилинган нархда.
Бюртма 224. Адади 875. Газета 2018 йил 30 апрель соат 14.30 да топширилди.